

БОШ ҚОНУН ХАЛҚ ТАФАККУРИ МАЖМУАСИДИР

Уч кун давом этган Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг XI сессияси 10 декабрда ўз иштини якунлади. У ўттиздан ортиқ масалани кўриб чиқди. Сессия мустақил Ўзбекистоннинг биринчи Конституцияси ва Давлат мадҳиясини қабул қилгани билан янада аҳамиятлидир.

Қадри халқ зиёлилари, мустақил Ўзбекистонимизнинг Бош Қонуни ва Давлат мадҳияси муборак бўлсин!

МУСТАҚИЛЛИК КАФОЛАТИ

1992 йил 8 декабрь мустақил мамлакатимиз тарихига унутилмас сана бўлиб кетди. Шу кунни Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг XI сессиясида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қабул қилинди.

Бу хушхабар серкуёш дийримиизнинг барча шаҳар ва қишлоқларидаги миң-миңлаб кишилар қалбиде чекина йфтикор, гурур ва сурур гуйгуларини жўштирди. Улар йиғилишларда, суҳбатларда «Асосий Қонунимиз — Ўзбекистон мустақиллигининг кафолатидир», «Миллий истиқлолнинг мустақиллик пойдевори яради», деб баралла айтмоқдалар. Қуйида мухбиримизга билдирилган ана шу ҳақдаги фикрларни эътиборингизга ҳавола қиламиз.

Самийжон РАҲИМОВ, Тошкент қишлоқ хўжалик университети сўбасидаги кафедрасининг доцент, фалсафа фанлари доктори.

— Ҳар қандай мамлакатнинг маънави унинг Асосий Қонуни белгилайди. Мустақил Ўзбекистоннинг ҳам жажоадаги обрў-эътиборини, ўз ҳудудининг дахл-сизлигини, миллий бойлигини эгаллигини, халқининг халқаро ҳуқуқ нормаларига таянган хоши-иродасини, қолаверса яшаш ва турмуш тартибин ҳам Бош Қонунимиз асослайди. Шунинг учун ҳам Олий Кенгашимиз сессиясида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси яқдиллик билан қабул қилинганлиги оламшумул тарихий воқеа бўлди.

Радио эшитириши ва телевизор кўрсатуви орқали бу хушхабарни эшитишимиз ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримовнинг шу муносабат билан сессияда сўзлаган нутқини тинглаган онданон унинг верситетимизнинг барча факультетларида, ўқув гуруҳларида оқилшловчи суҳбатлар бошланиб кетди.

Чиндан ҳам Асосий Қонунимиз мустақил Батани.

миз равнақиға туб замин бўлган ҳуқуқий қомусдир. Унинг халқаро ҳуқуқнинг умумий эътироф этилган қондаларини қамраб олганлиги билан, ўз фуқароларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш кафолатлари билан, ўз моддаларига юрт равнақи, эл фаровонлиги, Ватан истиқболини қўлаш билан ва бошқа кўп қиррали жиҳатлари билан чин маънода Ўзбекистоннинг бугун ва эртасига хизмат қиладиган ҳужжатдир.

Азизжон БУЗРУКОВ, Андижон районидеги 40-урта мактабининг 1 тоифали тарих фани ўқитувчиси.

— Ўзбекистон мустақиллигининг ҳуқуқий пойдевори яратилди, деб баралла айта олам. Чунки Олий Кенгаш сессиясида қабул қилган Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси халқимизнинг орзу умидини, хоши-иродасини ва мақсадларини ўзида муҷассамлаштиргандир. Унинг лойиҳасини муҳокама қилиш жараёнидаёқ мактабимиз педагогик жамоаси янги Қомус истиқбол мафазаларини тўлиқ ақс эттирганлигидан гоёт мамун бўлганликларини изҳор қилган эдилар.

Ўзбекистон ўз тараққиётининг туб янги босқичига юз

тутган, уни ер юзидаги кўп-кўп давлатлар эътироф этган ва тенг ҳуқуқли алоқалар ўрнатилган бир пайтда янги Конституцияимизнинг қабул қилиниши Республикаимизнинг обрў-эътиборини, жаҳон мамлакатлари ўртасидаги ўрни ва маънавияни янада оширишга замин яратди.

Мактабимизнинг барча ўқитувчилари каби мен ҳам Асосий Қонунимиз ҳақида ўқувчилар ўртасида ҳам суҳбатлар ўтказишни бошлаб юбордим. Биз бу суҳбатларда Конституцияимиз моҳиятини, унинг моддаларида акс этган масалаларни, ҳуқуқий нормаларни ёшларга атрафлича тушунтириб беришга ҳаракат қилаймиз.

Асосий Қонунимизда ҳар бир фуқаронинг билим олиши давлат томонидан кафолатланганлиги, халқ таълими равнақиға алоҳида эътибор берилганлиги, айниқса, бизни қувонтираётди. Бу мамлакатимиз раҳбариятининг келажак кадрлари — ёшлар ҳақида чинкам ғам-хўрлигининг қонуний асосларидир.

Биз педагоглар маҳалларда, меҳнат жамоаларида, оиналарда янги Конституцияимиз ҳақида, Олий Кенгашимиз сессиясида кўрилган бошқа масалалар тўғрисида суҳбатлар ўтказишни режалаштириб қўйдик. Чунки, бундай очиқ мулоқотлар давлатимиз ички ва ташқи сиватини англаб етишга, кишиларимизнинг Ўзбекистон мустақиллигини мустақамлаш йўлидаги ишларини авж олдиришга, ишонч билан онгли ҳаракат қилишга чорлайди. Бундай ишга бош-қош бўлиш биз зиёлиларнинг бурчимиздир.

Мухбиримиз.

ТАБРИК ТЕЛЕГРАММАСИ ЮБОРИЛДИ

Халқ таълими вазириликнинг Республика ўқув-методика Марказида мустақил Ўзбекистон Республикасининг биринчи Конституцияси қабул қилинганга бағишлаб марказ ва ўқитувчилар уйи ходимларининг тантанали йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишнинг РўММ директори, профессор Ж. Икромов охиб, йиғилганларни бу қувончли воқеа билан қизғин табриклади.

РўММ ва ўқитувчилар уйи ходимлари ўз чиқишларида мазкур Конституциянинг аҳамияти, бошқа конституциялардан фарқи, унинг мустақил Ўзбекистон фуқароларининг бахт-саодатини таъминлашга қаратилгани, унинг мода ва бандларидан келиб чиқадиган вазибалар ҳамда уларни адо этиш тўғрисида дил сўзларини билдиридилар.

Йиғилиш сўнгида Республика халқ таълими вазирининг ўринбосари Б. Ғ. Қодир сўзга чиқди. У жумҳурият Конституциясининг барча ўқув муассасаларида ўрганиш, унинг матни мазмунини кенг тарғиб қилиш, жойларда ўқувчи ёшларга ҳар бир моддани чуқур тушунтириб бериш лозимлигини алоҳида уқтирди.

Сессияда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси матни ва мусиқасини ҳам тарғиб қилиб, уни ўқувчи-ёшлар ёдлаб, чуқур ўзлаштириб олишлари зарурлигини йиғилишда алоҳида таъкидланди.

Йиғилиш қатнашчилари Ўзбекистон Республикасининг Олий Кенгашига Конституция қабул қилинганлиги муносабати билан табрик телеграммаси юборишди.

Ш. ЕҚУВОВ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ДАВЛАТ МАДҲИЯСИ

(Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг XI сессиясида қабул қилинган)

Мутал БУРҲОНОВ мусиқаси

Абдулла ОРИПОВ сўзи

Муқаддим, бопи ди мотиза. Сеп-ту-эй, Котте йил-кам, эл-Мас бахт-на, жот, мек-де-мас. Сен-у-зунт-оғ-дар-за, Эр-на-иш-бу-қил-ди-лар.

Сен-у-зунт-оғ-дар-за, Эр-на-иш-бу-қил-ди-лар. Ал-ти-м-оғ.

Милоқатимиз жўр-сан-эр-мол, О-дав-ни-маҳлиё-ай-ла. Ти-ди-эр! Та-ри-зак-ди-эр!

Серкуёш, ҳур ўлкам, элга бахт, нажот, Сен ўзинг дўстларга йўлдош, меҳрибон. Яшнагай то абад илму фан, ижод, Шўҳратинг порласин токи бор жаҳон!

НАҚОРАТ:

Олтин бу водийлар — жон Ўзбекистон, Аждодлар мардона руҳи сенга ёр!

Улуғ халқ қудрати жўш урган замон, Оламни маҳлиё айлаган диёр!

НАҚОРАТ:

Олтин бу водийлар — жон Ўзбекистон, Аждодлар мардона руҳи сенга ёр!

Улуғ халқ қудрати жўш урган замон, Оламни маҳлиё айлаган диёр!

ТААССУРОТЛАР БИР ОЛАМ

Кунни кеча Ўзбекистон Халқ таълими вазириликда ўз иккинчи чакриқ Ўзбекистон Республикасининг Олий Кенгашининг тарихий ўн биринчи сессияси якунига бағишлаган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда Республика халқ таълими вазири Ж. Ғ. Иўдошев иштирок этиб, йиғилишларга сессияда муҳокама этилган масалалар ва қабул қилинган муҳим ҳужжатлар ҳақида батафсил гапирди. Хусусан, у мустақил Ўзбекистоннинг биринчи Конституцияси ва Дав-

лат мадҳияси ҳақида сўзлаб, бу ҳужжатларини илм масканларида тарғиб ва ташвиқ этиш вазибаларини қайд этди. Йиғилишда сўзга чиққанлар ушбу сессия мамлакатимиз тарихи зараракларига олтин харфлар ила ёзилаётганини, унда қабул қилинган янги Конституциянинг халқчиллигини, Давлат мадҳиясининг пухта тайёрланганлигини ҳам таъкидлаб ўтдилар.



ЎҚИТУВЧИЛАРНИНГ ҚЎШ ҚУВОНЧИ

Абдулла Авлоний номидаги республика халқ таълими ходимлари малакасини ошириш Марказий институтида санаторий-профилакторийнинг очилиш тантанаси ўтказилган даъда беҳишёр халқимизнинг «қувонч келса кўша-кўша» деган баёноратомуз гапи бир неча бор ёдимга тушди.

Дарҳақиқат, гуруримиз, суруримиз, асрий орзуларимиз, ҳуқуқимиз, эркимиз муҷассамлашган — илк Конституцияимиз қабул қилинган ушбу кунда халқ таълими ходимлари учун санаторий-профилакторий кўри-либ, яна бир қудайликнинг яратилиши нур устига аъло нур бўлди.

Институт ҳовлиси одад-дагидан кўра гавжум, Дар-возадан киришданонқ байрам

кайфияти қамраб олади ки-шини. Санаторий-профилакторийнинг очилиш маросими ҳам биз одатлашиб қолган анжуманлардек мажлислар залда эмас, институт ҳовли-сида ўтди.

— Иқтисодий оғир шароитда яшайётганлигимизга қарамадан республикамиз халқ таълими ходимлари учун талайгина ғамхўрлик-лар кўрсатилмоқда. Маз-кур санаторий-профилакторийнинг очилиши ҳам ана шу ғамхўрликлардан бири бўлди. Ўқитувчининг соғли-ги — маънавиятимиз соғли-ги эканлигини чуқур тушу-ниб, бизга ҳар томонлама кўмак бераётган президентимиз Ислам Каримовга ҳамда Халқ таълими вази-рлигига ўз миннатдорчилиги-мизни билдиришга руҳсат

этайсизлар, — деди инсти-тут ректори Ғ. Б. Шоумаров. Шундан сўнг сўзга чиқ-қан Ўзбекистон Республи-каси халқ таълими вазири Ж. Ғ. Иўдошев муўтабар касб эгалари — ўқитувчи-ларни қўш байрам билан табриклади. Малака оши-рувчилар учун бундай ши-роитнинг яратилиши ниҳоят-да муҳим эканлигини апо-ҳида қайд этиб ўтди.

— Бу санаторий-профилакторий жуда кўп йиллар ўқитувчиларнинг жисмонан, маънан ва руҳан юксалиш-ларига хизмат қилади деб умид билдираман, — деди халқ таълими вазирининг ўринбосари М. С. Султонов бош шифокор Мурод Ру-ста-мовга комплекснинг рамзий калитини топшираркан.

Ўз набатиде малака ошириш учун бу ерга жум-ҳуриятимизнинг турли бур-чаларидан келган тинловчи-лар ҳам дил қувончларини изҳор қилишди. Куй кў-шқларга, кўшқлар рақс-ларга улашиб кетди.

Лента қирқилиб, тантана қатнашчилари ичкарига ки-ришганида, бу ерда энг би-ринчи кўзга ташланган нар-са — кўрмаклик ва орасталик бўлди. Тўрт қаватли бино-га жойлашган бу санаторий профилакторий 130 ўринга, барча замонавий қўлайлик-ларга эга бўлиб, замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари би-лан жиҳозланган. Сув би-лан, электр билан даволаш, асаб касалликлари, физио-терапия, даволаш ва бошқа бир қанча касалликларни

даволаш хоналари мавжуд-лиги, ўқитувчиларнинг са-ломатликларини тиклашда муҳим аҳамият касб этади. Санаторий-профилакторий даволанувчиларига 15 нафар тиббиёт ходими хизмат кў-рсатиши мўлжалланмоқда.

3. УСМОНОВА, мухбиримиз. Суратда: санаторий-профилакторийнинг очилиш ма-росимидан лавҳа. А. АҚРОМОВ тасвир.

Одод-ахлоқ — инсон зийнати

ТАРБИЯ — ҲАЁТ БОШИ

Мустақил Республикамиз энг масъул даврни бошидан кеңирмоқда. Иқтисодий инқироз ҳаётнинг барча соҳаларига ўз таъсирини ўтказмоқда, таълим-тарбияга ҳам сезиларли таъсир этмоқда.

Ота-оналарнинг ахлоқи, сиёсий, маданий савияси қанчалик юксак бўлса, улар ўз болаларини ҳалқ учун, она-Ватан учун шунчалик садоқатли, виждонли, маданиятли ва меҳнатсевар қилиб тарбиялай олади.

Кимга ёшлагандан берилмас одоб, Улғайғач, бўлади бахтсиз, дили гаш. Ҳул новада эгилар қай ҳолда эгсанг Куюрқун тўғрилар фанат ўт, ошан.

Тарбия беришни эрта бошлангич нуҳоятда зарурлигини Саъдий Шерозий ушбу мисраларда қанчалик ёрқин ифода эта олган. Яхшилик, меҳнатсеварлик, эзгулик наиники кишиларга, айни пайтда жамиятга ҳам содадат, тинчлик бахш этганини алломаларимиз алоҳида қайд этиб ўтганлар. Дарҳақиқат, айрим оилалар бола тарбиясига ўз вақтида эътибор бермаганликлари сабабли бир кунги панд едиллар. Шундай ҳоллар рўй бермаслиги учун боланинг дунёга келиши биланоқ уни тўғри тарбиялаш лозим.

Мен узоқ йиллик педагогик фаолиятим мобайнида кўпгина мактабларда бўлиб, турли ёшдаги ўқувчиларнинг тарбияси билан қизиқдим. Айрим ёшлар ўзининг ахлоқ-одоби, интизоми, юриш-туриши, ўзлаштириш, муомиласи билан оилادا ва жамоа орасида ажралиб турди. Бундайларни қўриб, уларни тарбиялаган ота-онасига миннатдорчилик билдиргим келади. Чунки кўш устиде кўрганни қилади-да. Яхши оилалар хусусида гап кетганда мана бу оилалардаги тарбия ҳақида алоҳида тўхталгим келади.

Шофирқон районидеги Ибн Сино номли мактабнинг математика ўқитувчиси, район математика ўқитувчилари шўъбаси раҳбари Қадрамонжон Қамолонинг 4 нафар фарзанди ўрта мактабни олтин медал билан битирган. Утилари — Нодир ва Нозим Тошкент ҳалқ хўжалик институтини битириб, Бухоро шаҳридаги давлат назорат инспекциясида хизмат қилишяпти. Гавҳар билан Одил Бухоро давлат университетининг студентлари, келинлари эса мактабда ўқитувчи бўлиб ишлашади.

Олот район «Ленин йўли» жамоа ҳўжалигининг меҳаннатори Тошпўлат Ҳайитовнинг оиласида тўққиз фарзанд воғта етди. Болаларнинг ҳулқи, одоби ва меҳнатсеварлигига кишининг ҳаваси келади. Уларнинг воғта етишларидега Тошпўлат ака ва Жамила аяларнинг хизматлари кеңис. Катта ўғиллари Бобомурод Бухоро давлат университети ўқитувчиси, фан номзоди, докторлик диссертациясини ҳимоя қилиш арафасида. Олимжон спорт мактаби директори, спорт мастери ва миллий кураш бўйича вилоят чемпиони, қолган фарзандлари мактабда муаллим, ўқувчи.

Ҳозирги айрим ёшлар одод-ахлоқ, камтарлик ва одамийлик каби хислатлардан бирмунча йирондилар. Мактаб, маъмурият ва жамоатчилик топшириқларини ба

жарнидан бўйин товлайдилар. Миллий урф-одатлар ва анъаналардан узоқлашиб, дини дёнәтта ишонмай қўйганлар. Бу эса меҳр-шафқатнинг йўқолишига, мол-дунёга ҳирс қўйган, шарм-ҳаёни йўқотган ёшларнинг кўпайишига олиб келмоқда.

Умуман ёшлар ўртасида жиноятчиликнинг йилдан-йилга кўпайиб бораётгани ҳаммани ташвишга солмоқда. Бунинг асосий сабабларидан бири боланинг оиллада ота, мактабда эса талабчан ўқитувчилар назоратидан йироқлигидир. Ота қаттиққўллик ва она меҳри уйғунлашиб кетасида тарбия самара беради. Биз бу билан хотин-қизларимизни камситишдан йироқмиз. Мақсадимиз боланинг отага бўлган ҳўрмат-эътиборини қучайтиришдир.

Бугунги кунда тарбия тўғрисида ўтмиш мероси кўп чоп этилмоқда. Навоий, Улўғбек, Ибн Сино, Беруний, Ал-Хоразмий ва бошқа кўп-алломаларимиз тарбиядан сабоқ олмоғимиз лозим. Айниқса, «Нурто» ва ҳадисларнинг нашр этилиши нур устига аяро нур бўлиб, Афески, шуларни ҳам қўйчилик ота-оналар ўқимайдилар. Ахир, ота-онасининг қўлида китоб кўрмаган болада ўқишга ҳавас қайдадан уйғонсин?

Кини икки нарса билан қаримайди — бири гўзал ҳулқ, яна бири яхши сўздир. Бу хислат одамнинг иззат, ҳўрматини оширади. Шунинг учун «Одобнома» дарси

нинг бир машғулотини «Оилада ўзини маданиятли тута олиш» мавзусига бағишлаш керак.

Мустақиллик туғайли миллий мактаб концепциясини ривожлантириш имконияти туғилди. Ёшларнинг раёнидаги Островский номили, Когон районидаги Киров номили, Вобкент районидаги М. Горький номили, Олот районидаги С. Раҳимов номили, Ёшлар шаҳридаги Тельман номили мактабларда «Одобнома» дарслари намуна олиб борилмоқда. Мазкур мактабларда тарбияни миллийлаштириш уюшмалари ташкил топган. Уюшмага ўқитувчилардан ташқари ота-оналар, турли касб эгалари ҳам аъзо бўлишган. «Ота-она — улўғ зот», «Эл севган йигит-қиз бўл», «Меҳр-шафқат — инсонга хос одат», «Яхши бола — оила боғи, ёмон бола — оила доғи» сингари мавзуларда тарбиявий соатлар ўтказиб турилади.

Хуллас, ҳар бир ёшнинг одоби, ахлоқи, эътиқоди қилиб тарбиялаш, энг яхши миллий урф-одатларимизни ёшларимиз онгига синдириш, уларни баркамол инсон қилиб тарбиялашда ота омил катта аҳамиятга эга. Булар мактаб, оила, теварак-атроф, муҳит, яъни ҳаёт. Ана шу уч омил мувофиқлиги таъминланмас, тарбия борасидеги дарслар, ёзилаётган мақола, китоб, телекўрсатув, кинофильм, радиоэшитиришлар, қабул қилинадиган қарор қутилган натижа берамайди.

Бу учта омил асосида эса иқтисодиёт ётади. Жумҳуриятимизнинг истиқболли, равнақи йўлида ҳалқ таълимига ажратиладиган маблағни қўшайтириш керак. Шундагина кўзланган мақсадга эришиши мумкин.

М. НОСИРОВ, Ўзбекистон педагогика жамияти Бухоро вилояти бошқаруви раисининг муовини.

Бугун ўқитувчимиздан ўрганганимиз эртага ўзимиз ўқитувчи бўлганимизда асқотиб қолса ажабмас... Ахир биз ҳадемай ҳунар-техника билим юрти ўқувчиларига даре берамиз-а! Устозлар сабогини кўн билан тинглаётган индустриал-педагогика билим юрти талабаларининг кўзларидан ана шу маънони кўн олиш қийин эмас.

Суратда: Тошкентдаги индустриал-педагогика билим юртининг тажрибали ўқитувчиси Доно Пулатова қурилиш гуруҳи талабаларига педагогикадан машғулот ўтказмоқда.

Суратнаш Р. АЛБЕКОВ.



Ўзбек тилига давлат мақоми берилгач, рус тилида сўзлашувчи аҳоли учун ўзбек тилини ўрганиш эҳтиёжга айланмоқда. Қадим маданиятга эга бўлган ўзбек эъливлари вазиати тўғри баҳолаб, рус забон аҳолининг ўзбек тилини ўргани олишлари учун имкон қадар ердан курашмоқдалар.

«Ўқитувчи» нашриёти томонидан 1991 йилда нашр қилинган Низомиддин Махмудов аа Боқижон Тўхлевларнинг «Ўзбек тилини ўрганимиз» (расмий лўғат) номли китоби мана шу йўлдаги хайрли ишлардан биридир.

Лўғатда берилган 1300 сўздан 830 таси Беовсита расмлар орқали изоҳланган. Бу эста тил ўрганиш учун жууда кетган кўпайлик туғдирад, чунки расмлар орқали ўргатилган ҳар бир юнда чуқур ўзлашиб, хотирада узоқ сақланиб қолиши табиийдир.

ЭҲТИЁЖГА МУВОФИҚ

Мазкур қўлланманинг тузиллиши ўзига хос ҳаракетерга эга. Ўрганувчилар учун асосан от, сифат, сон каби сўз туркумларига хос бўлган бирликлар тевтиқ гуруҳларга бўлиниб тевсия этилган. Лўғатда от туркумига тегишли 12 мавзу берилган бўлиб, ҳар бир мавзу 9 қисмага бўлинган. Бу қисмлар бир-бири билан узвий равишда боғланиб кетади.

Сўз танлаш масаласи ҳар қандай лўғат-маълумотнома учун муҳим аҳамиятга эга. Муаллифлар бу борада катта муваффақиятга эришганлар.

Улар ҳалқ ҳаётини чуқур билдишларини намойиш этишган. Лўғатга шундай сўз ва сўз бирикмалари, фразеологик бирикмалар, танланган, бундай тил бирикмалари ҳар бир ўрганувчилар ёдида тез ва узоқ сақланиб қолади.

Бундан ташқари, қўлланмада тил ўрганишга қулайлик яратиш ҳақида ҳотирада яхши сақланиб қолинишни таъминлаш мақсадида турли усуллар тевсия қилинган: ҳалқ мақоллари, топшиқлардан мисоллар келтирилиб, турли хил каттакчалар

воситасидан ҳам фойделанилган.

Хуллас, «Ўзбек тилини ўрганимиз» китоби ҳозирги кун талабларига жавоб берадиган, ўзига хос қўлланмадир. Мазкур китоб, назаримизда, фақатгина мактаб ўқувчилари учун фойдали бўлиб қолмасдан, балки олий ва ўрта махсус ўқув юр்தларнинг талабалари, шунингдек, ўзбек тилини мустақил ўрганувчилар учун ҳам муҳим қўлланма бўлиб қолади.

Р. ЖОМОНОВ, Абдулла Қодирий номли Тошкент давлат маданият институтининг катта ўқитувчиси, филология фанлари номзоди.

З. УМАРОВ, Тошкент давлат болалар тиббиёти институтининг ўқитувчиси.

АНДИЖОН ЯНГИЛИКЛАРИ АВАЛ ИҚТИСОД, Кейин...

Андижон вилоятига қарашли Хўжабод туманидаги Дилқушод кишлоғининг табиати оромгоҳлар учун яратилгандай: баҳо, салқин, манзарали... Ҳалқ таълими фахрийси Зулдулҳўжа Каромхўжаев ташаббуси билан бу ерда оромгоҳ ташкил этилиб, шу кунгача бу ерда учюзга яқин муаллим ҳордиқ чиқарди. Андижондай катта вилоятда бу рақам дарёдан томчи ҳам эмас. Шу мақсадда вилоят ҳалқ таълими раҳбарияти оромгоҳни кенгайтиришга қарор қилди. Бироқ қийин шароитда бундай оромгоҳни қуриш осон иш эмас. Бунинг ҳам йўли топилади. Ҳар бир туман ҳалқ таълими бўлими, ХТБЮлари ўзлари учун шу жойда биттадан бино-котеж қуриб беришга бел боғладилар. Қурилиш ишлари ҳам бошланиб кетди. Қўрғонтепаликлар, 5, 40-ХТБЮ мутасаддилари қурилишни жадаллик билан олиб боришмоқда.

УЛКАН ҒАЛАБА

Андижондаги футбол мактаби 384 нафар ёшни ўз бағрига олган. Уларга етувчи спортчи-педагоглар спорт сирларини ўргатишади. Яқинда улар катта ютуққа эришишди: республика ўрта мактаблари орасида ўтказилган мусобақаларда биринчиликини қўлга киритишди.

«ДОРБОЗ» — СОВРИНДОР

Андижон шаҳридаги 9-болалар боғчаси тарбиячилари тайерлаган «Дорбоз» кўнғирини жумҳуриятда ўтказилган «Миллий ўйинчоқлар» кўнрик-танловининг совриндори бўлди.

Мухбиримиз.

Хотира Кўнғил РАВШАНЛИГИ

Инсон хотиралари билангина леҳазалар ичида тириклик дунёсининг ул сарҳадидан кириб, бул сарҳадидан қалқиб чиқади. Шундай леҳазалар — ўтган кунларнинг ҳар бири дақиқаси кўз олдингиздан кино лентасидеги тизилишиб ўтаверади. Тириклик хотирасининг борлигига шукроналар ўқисан. Юрагингизда илиқ-илиқ хисларни туясан.

Сукунат чакмони айилган уйда ўтириб, бир инсон ҳақида ўйлайман. Ҳаёлимда унинг оғир, босиқ, уйчан овози садо берди. Ул инсон билан бир неча йиллар илгари дастурхон устида сўхбат айлаганман. Уша сўхбатда ўз ўтмиши, келажак ҳақида пайғамбар мисол башорат айлангандай тўқилганиб-тўқилганиб гапиргандай.

Бизлар мактаб остонасига қадем қўйган замоналар, мактабимиз торгина кулба бўлиб, ерга омон тўшаб ўлтирардик. Муаллимимиз бугундоиранг, эғнида урушдан ортириб келган шинели, шунчилик озинлигидан шинелининг елкиси шалвираб тушиб турарди. Ҳар сўз лабларидан учганда қув-қув йўталар ва яна сабоқ беришни давом эттириб кетаверардик. Унинг сўзларини жон қўлоғимиз билан тинглар эдик. Ҳатто, уйда берилган сабоқларни такрорлаганимизда муаллимимизга ўхшаб йўталиб ҳам қўлардик. Кейин-кейин кўп муаллимлар қўлида ўқидим, аммо ҳеч бири ундай ҳаёлимда бир умрга муҳрлиниб қолмаган. Ҳамон ҳурсанд, топшиқ кунларини қаршига босатириб келиб, менинг ҳафалигимга шерик, хурсандчилигимга ҳамдам бўлгандай туюлаверарди. Худди бир умр ажиллари тиришиб, пилеа ёнимда мен бирла юргандай. Унинг руҳлари мени кўллаб келатгандай. Ҳа-ҳа, унинг бармоғи билан урганлари ҳеч руҳлари мени кўллаб келмоқ-ёнимдан кетмайди. У одам

да, — дея дастурхон устидаги нон урвоқларини бир четга тўллаб ҳаёлга ботгандай. Оғир ҳаёлларга ботганда ёқимтой нигоҳи билан юрагимни алдлаган, руҳлар эса чор атрофида кезиниб юрган, овозлари кез-бот кезроқлиниб турувчи марҳум Равшан ака Аҳмедовни яна бир бор ёдга олдим.

Яқинда бир хўшбаҳор эшитдим. Бу хабар яна бир бор юрагимни тўқилантириб юборди. Қаршимда Равшан ака тик туриб синчков нигоҳи билан мени кузатар эди.

Мен томон учган хабар шундай: Сирдарё вилоятининг Сайхунобод районида қарашли Оқтоб кишлоғидаги ўрта мактабда (бу кишлоқда Равшан ака билан биргача ўқиб турган) директорлар лавозимига ишлаган) марҳум Равшан Аҳмедов номи берилди.

Кўнғил равшан тортиди. Равшан ака билан бўлган сўнги сўхбатимни яна эсладим. — Уғлим, ҳали сенлар бахтли яшашларинг мумкин бўлган кунлар келади. Бу улкан мамлакатнинг бир заррасига айлиниб қолган Ўзбекистон бағрига ҳам шамол тегади. Эрталабдан кенгча совуқ, иссиқни иссиқ демай, ёзда чанги бир қарич, кузда лойи бир ботмон бўлиб ётган пахта эгетларида бир леҳазе рўшнолик кўрмай, ҳар кунин минг бир эғлиб турарётган, ҳатто баҳорнинг эпкинидан йиқилиб тушиш ҳолатида турган норасида гўдақларнинг ҳам охи бор. Уларнинг охи ҳар қандай жазодан устивордир. Ҳа, болам, биз мустақил бўлишимиз келишига ҳаёлимиз билан бўлгандай туюлаверарди. Худди бир умр ажиллари тиришиб, пилеа ёнимда мен бирла юргандай. Унинг руҳлари мени кўллаб келатгандай. Ҳа-ҳа, унинг бармоғи билан урганлари ҳеч руҳлари мени кўллаб келмоқ-ёнимдан кетмайди. У одам

ҳақида оппоқ қоғозга сатрлар битмоқдамун кулоқларим остида мангуликча чақилгандай пиланинг жаранги.

Марҳум вафот қилган кунини унинг мазори бошида қўла-рида шоқотлар ёш ила сўзлашган Равшан аканинг сабдош, бугунги кунларда бу гавғоли дунёни жулда-жулда эрта ташлаб кетган Ҳақназар Шер-назаровнинг аламли иборалари ҳамон ҳаёлимда такрор-такрор бўлади.

— Эҳ, эссиз дунё! Равшан ака ҳали узоқ яшаси, кенча-кенча шогирдларига падар мисол ойдан йўллари кўрсатиши мумкин эди. Афсус, афсус! Бугунларда ўз шогирдлари қаторига болалари ҳам қўшилган бир пайтда у ёруғ олам билан хайрлашди. Ҳа, бир кам дунё!

Равшан ака қалби гўзал инсон эди. Унинг ҳар бир сўзида одамзодга бир муҳаббат бор эдики, у юрак ширбати мисол лабларидан сирқиб томиб, қалб малҳамига айлиниб кетар эди. Бугун ўзи пойдеворини курган мактабнинг унинг номи билан аталиши ортида ҳам катта ҳикмат бор. Кечягина мактаб партасига келиб ўлтирган болакайга муаллим, албетта, ўзи ўқийдиган билим масканига нечун Равшан Аҳмедов номи берилганлигини айтади. У инсон ҳақида ҳикоялар сўзлайди. Болакай қалбида эса марҳум устоздан давомчи бўлиб қолган эзгулик уруғи униб-ўсиб чиқади. Мен бунга ишонманам, мен бунга имон келтирмаман.

Инсон хотирасининг бориға шукр. Унинг борлиғи, марҳумларга бўлган муносабатларимизда ошкор бўла беради.

Абдурашид НУРМУРОДОВ, ёзувчи.

Саломатлик — туман бойлик ҲАМ ДАВОЛАНАДИЛАР, ҲАМ БИЛИМ ОЛАДИЛАР

Соғ танда — соғлом ақл, дейди доно халқимиз. Фарзандларимиз саломатлигини тиклаш ва мустаҳкамлаш шу куннинг долзарб вазифаларидан бири бўлиб қолмоқда. Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманидаги «Ўзбекистон 15 йиллиги» болалар санаторийси бош врач Ляльхон Солиқов ва билан ана шу хусусда сўхбатлашдик.

— Ляльхон Маҳаматовна, болалар саломатлигини сақлашга ҳамиша ҳам етарлича аҳамият берилаяпти, деб айтолмаймиз. Шу боис фарзандларимиз орасида имжон, заиф, тез-тез касалга чалинадиганлар учраб туради. Сиз раҳбарлик қилаётган санаторийда болалар сўхтасаломатлигини мустаҳкамлаш юзасидан қандай тадбирлар амалга ошириляпти? Болалар қайси йўналиш бўйича даволанадилар?

— Даволаш масканимиз 1953 йилда ташкил топган бўлиб, унда 2-синфдан 8-синфгача бўлган болалар даволаниш билан бирга таълим ҳам олади. Мазкур ўқув йилгача бўлган даврда ҳар чоракда 200 нафардан — йилгача 800 бола даволаниб билим олиб келарди. 1992—93 ўқув йилидан бошлаб шўхар соғлиқни сақлаш бош бошқармаси тевсиясига биноан болаларга эътиборни янада кўпроқ жалб қилиш мақсадида ўринлар сон 30 тага қисқартирилди.

Санаторийда болалар кардиологик йўналиш бўйича даволанадилар. Сурүнқали танзилит, ревматизм, туғма порок, полиартрит билан оғирган-

лар ҳамда ангина олингандан кейин даволаниш лозим бўлган болалар бир чорак мобайнида даволанадилар. Бу ерда даволанишнинг турли усуллари — массаж, физיותרпия, кистелорд кўпиги, ингалация сингари муолажа турларидан кенг фойделанилади. Болалар учун фитобарда турли шифобахш гийёҳлардан дамламалар тайерланади.

— Санаторийда бемор касаллиқнинг қайси босқичида даволанади, бунинг учун йўлланма ҳам керакми? Кундалик муолажа ва озиқ-овқат билан таъминлаш ишлари қай аҳволда?

— Болалар касаллик кучли хурж қилган пайтда шифохонада зарур муолажаларни қабул қилгандан сўнг қўшимча даволаниш поликлиника йўлланмаси билан келадилар. Йўлланмани шўхар ревматология маркази район поликлиникаларига юборади ва ревматолог-ҳисобида турган болаларга берилади. Ҳар бир боланинг кундалик муолажаси учун 20 сўмлик дори-дармон сарфланади.

Болалар белгиланган тартиб асосида олти маҳал овқетланадилар. Санаторий кардиологик йўналишда бўлгани учун парҳез таомларга кўпроқ эътибор берилади. Сут, қатиқ, қоймоқ билан мунтазам таъминланадилар. Ҳар бир боланинг кундалик овқатига сарфланадиган маблағ ўртача 45 сўмга тўғри келади.

— Болалар даволаниш билан бирга билим ҳам олишаркан. Улар қарчаб қолшмай-дими? Даволанувчиларнинг бўш вақтлари қандай ташкил этилади?

— Саволингиз ўринли. Бемор болалар даволаниш жараёнида мактаб дастуридан орқанда қойиб кетмасликлари учун дарслар 35 минутдан белгиланган бўлиб, беш соатдан ошмайди. Болалар бўш вақтларда ҳаракатли ўйинлар, жисмоний тарбия ва спорт билан шўгулланадилар.

Санаторийда ҳар бир ўқитувчи тарбиячилик ҳам қилади. Болаларнинг бирор соат вақти тарбиячи назоратидан четда қолмайди. Ш. Дадамукамова, С. Орифжонов, Н. Юсупова, Г. Мусаева, Б. Қодиров, С. Назарова, В. Юлик сингари тажрибали ўқитувчи-тарбиячилар бошқаларга намуна бўлишмоқда.

Болалар ҳафтанинг икки кунинда республика болалар ижодий марказидаги чеварлик, кулпочилик ва рақс тўғарикаларига қатнашадилар. Тўғарак машғулотларига марказнинг махсус автобусида олиб борилади. Республика ўқувчилар саройи билан ҳам шартнома тузганмиз. Ҳалқ оғамки ижоди, драма, кўнғирчоқ театри, шахмат-шахка тўғарикаларининг раҳбарлари ердан тариқасида ҳафтада икки марта санаторийга келиб машғулот ўтказишмоқда.

— Ляльхон опа, санаторий иш бошлаганига анча йил бўлибди. Моддий-техник жиҳозлар етарлими? Қандай муаммоларнинг бор.

— Даволаш масканида кейинги вақтларда анчагина қулайликлар яратилди. Жумладан, санаторий замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. Ўқув биноси ётоқхона учун мослаштирилди. Бассейн қурилди, канализация ўтказилди.


Санаторийдаги шу каби таъмирлаш ишларини амалга оширишда, уни зарур жиҳозлар, хўжалик ва маданий моллар билан таъминлашда шўхар соғлиқни сақлаш бош бошқармаси яқиндан ердан кўрсатиб келаяпти. Бироқ муаммоларимиз ҳам йўқ эмас.

Ўқув йили давомида 680 ўқувчи даволаниб, билим оладиган ёзги мавсумда ҳар сменада 300 бола дам оладиган оромгоҳ учун замонавий услубда қурилган янги ётоқхона биноси қурилиши муаммо бўлиб турибди.

Жамоамизда 30 йилдан ортик умрини таълим-тарбияга бағишлаган шарафли касб эгалари бор, уларнинг меҳнати бирор марта тақдирланмаган. Менимча, ана шундай тажрибали заҳматқошларни маънавий рағбатлантириб турилса, дуруст бўларди.

Президентимизнинг ҳалқ таълими ва тиббиёт ходимлари учун чиқарган уй-ҳўл, электр энергияси ва коммунал хизматлардан имтиёзли фойделаниш тўғрисидаги фармонидан ҳодимларимизнинг баҳраманд бўлиши муаммо бўлиб турибди. Шу масала ижобий ҳал этилишини истар эдик.

Сўхбатдош Дилбар ХўЖАЕВА.



Чилонзор туманидаги 200-мактабнинг она тили ва адабиёт ўқитувчиси Асқар Иброҳимов ўқувчиларга сабоқ беришда мактабда...

бали педагоглардан ҳисобланади. Суратда: А. Иброҳимов ўқувчиларга янги мавзунини тушунтирмоқда.

Суратнаш У. ҚУШВОҚОВ.

КУТЛАЙМИЗ!



Мухтаром Ахрор УБАЙДУЛЛАЕВИ

Ярим асрлик қутлуғ қунигида дунёдаги жамини эзгу тилакларини Сизга тилаймиз.

Умрдан унумли фойдаланиш, инсон сифатида қониб яшаш ҳар кимга ҳам насиб бўлавермайди. Сизнинг ўзбек фани раванкига бағишланган 30 йиллик умрингиз бесямар ўтмади. Ёзган илмий асарларингиз ўз ўқувчисини тонди. Маърузаларингиз талаба шогирдларингиз қалбига эзгулик уруғи бўлиб тушмоқда. Қуйлаган қўшиқларингиз дўстларингиз кўнглини хушуд этса, жамоа содиқ дўст, забардаст олим бўлган Сиздек ҳамкасбидан беҳад миннатдор.

Эзлик ёшнингиз қутлуғ бўлсин! Узоқ умр, сиҳат-саломатлик тилаймиз! Омад ҳамини Сизга ёр бўлсин!

Ҳурмат билан, А. Авлоний номли халқ таълими ходимлари малякасани ошириш Марказий институти ректорати, касаба уюшмаси.



КУТЛАЙМИЗ!

Ҳурматли Сойибжон ЭГАМБЕРДИЕВИ

Қутлуғ 60 ёшга тўлишингиз муносабати билан мактаб жамоаси Сизни чин юракдан табриқлайди. Уттиз икки йиллик шарафли, аммо машаққатли педагогик фаолиятингиз давомида юзлаб ёшларни мустақил ҳаётга тайёрлашга муносиб ҳисса қўшдингиз. Ойлада меҳрибон ота сифатида олти нафар фарзандни воёга етказдингиз. Табаррук ёшнингиз билан қизини мурабабод этиб, узоқ умр, мустақдам саломатлик, бахт-саодат тилаймиз.

Наманган вилояти Поп районидagi Гафур Ғулом номли 35-ўрта мактаб жамоаси ҳамда мактаб касаба уюшмаси.

«Олим бўлиш осон, одам бўлиш қийин», дейди халқимиз. Ажаб! Олим бўлишнинг заҳматини игна билан қудуқ қазигча менгазидилар-ку. Бари бир олимлик унвонини олиш бир ён, одамийлик рутбасини эгаллаш бир ён экан-да. Инсон аъмолининг мана шу икки жиҳати завийлик топган жойдан қомиллик бошланса керак...

Устоз Ғайбулла ас-Салом ҳақида ўйлаганда шу фикрлар кўнглидан кечади. «Шеър ёзган ҳар бир одам — шоир, илм билан машғул бўлган ҳар бир киши — олим эмас». Бу домланинг ўзлари битган қонди. Фанга ўзини бўбутуш бағишлаган, сабр-бардош ва қаноат билан ҳалол хизмат қилди, илм дурларини терган, кашфиётлар яратган киши фозиллигини даъво қилиши мумкин.

Ғайбулла ас-Салом деярли қирқ йилдан бери филологиянинг таржимашунослик соҳасида жиддий тадқиқот олиб бораётган, жумҳуриятимизда таржима назарияси ва амалиёти бўйича ўзига хос мактаб яратган олим. У кишининг сатъ-ҳаракати билан Тошкент давлат дорилфунунида таржима назарияси кафедраси очилди, бутун ўрта Осиёда биринчи бор кенг дастур асосида таржимавий таҳсил йўли қўйилди.

Домланинг ўзи ёзган 21 монография, дарслик ва ўқув қўлланмалари, 200 га яқин илмий мақолалари у кишининг раҳбарлигида тайёрланди, ёқланган 3 докторлик, 30 дан зиёд номзодлик диссертациялари жамланб, фанда алоҳида йўналишни ташкил этади.

Дарҳақиқат, Ғайбулла ас-Салом сершогирд, пирю бадавлат устозлардан. Ҳозир ҳам у кишига ихлос қўлиб, қўлини олиш орзусида юрганлар оз эмас. Бунинг сабаби бор. Домла илм толибига кириш аспирант ёки тадқиқотчи деб эмас, аввало, инсон, кимнингдир фан йўлини ихтиёр қилган жигаргўшаси деб қарабди, ўз фарзандига тенг кўриб ардоқлайди. Шогирдлар илмини тергаш билан чекамлайди, соғлиғидан, тирикчилигидан доим бохабар, мушкулни осон қилиш пайда бўлади, у қуёнда куюниб, суюнганда суюнади...

Бундан етти-саккиз йил муқаддам эндигина номи чиқиб келатган шоир Тилак Журанинг аспирантурани тугатган бўлса ҳам номзодликни ёқлай олмай юрган беклар эди. Тирикчилик машаққатлари боисими ёки бошқа сабабдими у Тошкентни тарк этиб, Олотага ке-

тадиган бўлиб қолди. Тўнини чиндан тескари кийган, ҳай-ҳай деганга қарамайди. Маслаҳат берувчига терс жавоб қайтаради. Қизиқ устида ҳатто устозга ботадиган бир-икки сўз ҳам айтиб юборди. Хуллас, бола-бақрасини олди-ю, жўнаб кетди.

Воқеадан хабардор бўлганлар «э, ҳовурдан тушса қайтиб келар» деб юрбмиз. Орадан бир-икки ҳафта ўтди ҳам ундан дарак йўқ. Энди домланинг безовта бўлишини кўринг...

Бошқа одам бўлганда-ку, шогирдидан ранжиб, эътиғини силкиб қўя қоларди. Домла ундай қилмади, қилолмади. «Нима бўлганда ҳам Тилак менинг қадрдоним, юрагимнинг бир парчаси» деди-ю, ўтган гапларнинг ҳаммасини ичига ютиб, шогирди изидан Бухорога жўнаб кетди.

Ўзлари овера бўлмасдан хат-хабар қилиб чақирсалар



ёки биронтанини юборсалар бўларди, деган фикрни кўнглидан ўтказдик биз.

Домла Тилак Журанинг юз ёшга қоралаб қолган онасини (ҳозир у киши оламдан ўтган) зиёрат қилиб, қишлоқдошлари назариди «қочқо»нинг обрўйини кўтариб қайтиб келдилар. Орадан кўп ўтмай унинг ўзи ҳам узроҳлик билан кириб келди.

Бугунги кунда Тилак Жура кўша-қўша китоблар муаллифи, адабий муқофотлар совриндори, дорилфунун талабаларининг суюкли устози.

Ғайбулла ас-Салом бир-икки қалам уриш билан жумлага жон киритиб юборадиган уста муҳаррирлардан. Бунинг боиси у кишининг сугли таржима ва таҳрир билан дотганилигида.

1956 йили Самарқанд дорилфунунини тугатган, иш фаолиятини Ўзбекистон

Фанлар академияси нашриё-

тида муҳаррирликдан бошлаган, кейинчалик «Фан ва турмуш» журналида бўлим мудири, ЎзФА Тил ва адабиёт институтида илмий ходим, сўнгра шу даргоҳда Қомус бўлимининг мудири ва ниҳоят, Ўзбек Қомуси Бош муҳаррири марҳум академик Иброҳим Мўминовнинг биринчи ўринбосари лавозимларида ишлаб, бу ишнинг роса ҳадисини олган, Ўзбек Қомусига, айниқса, меҳнати кўп синган. У киши миллий маданиятимиз тарихида катта воқеалардан ҳисобланган бу нашрнинг тамал тошини қўйганлардан биридир.

Яқин-яқинларгача ҳам Қомус ҳақида гап очилганда домланинг кўзларида галати бир шўъла ўйнаб келар эди. У кишининг «Қомус — менинг дардим» деганларини кўп эшитганмиз. Қизиқ замонлар эди-да. Елиб-оғуриб, йўқ ердан вужудга

ИБРАТ МАКТАБИ

келтирган, фарзанддай авайлаб, энди нишонаси кўринганда мансабга кўз тиккан пасткаш кимсаларнинг фикр-фасодларига дуч келган: Қомус Бош муҳаррирининг биринчи ўринбосари коммунист эмас!

Катталар у кишига фиртариб кириб, бу машаққатлардан қутилишни тавсия қилишган, домла иккинчи йўлни таллаб фирқага кириш учун эмас, ишдан кетиш учун арза ёзган. Кейин кўп вақт бу қилмишининг жабрини тортиб, ҳеч жойда кўним топмай кўч-кўронини кўтариб, шаҳармашаҳар сарсон бўлган...

Ўзбек Қомусини нашр этиш яқунланган, турли-туман муқофотлар, унвонлар тақсимланиб, ўроқда йўқ, машоққа йўқ қилишдан ҳам тақдирланганда домла ичдан ўқиндиманик? Бу бизга қоронғу. Лекин зоҳиран бирон марта таъмалар бўлган эмас.

Ғайбулла ас-Салом 1966 йилда нашр этилган «Тил ва таржима» монографиясида

«С. А!» имзоли муаллиф (кейинчалик маълум бўлишича Ризо Ализода)нинг тил ва унинг бойлигини сақлаш хусусидаги фикрлари билан баҳсга киришади. Баҳс ўша вақтда машҳур бўлган ва расман амал қилган тилларнинг бир-бирига яқинлиги ва қўшилиб, аралашиб, ягона дунё тили ҳосил бўлиши ҳақидаги большевикча назариянинг таъсирида олиб борилганлигини, оқибатда, тилимизнинг ҳақиқий жонкуяри бўлган бир эиёлини ноўрин маломат қилганлигини устознинг ўзлари орадан чорак аср ўтгач, матбуотда ошқора афсус билан ёзиб чиқдилар. У киши Сайид Ризо Ализода» шахсини ва ижодий меросини аниқлаш, тарғиб этиш, ўрганиш борасида бир неча йил муттасил иш олиб бориб, у зотнинг таваллуд тўғи жумҳуриятимиз миқёсида нипон-лашига асос бўладиган илмий-адабий далилларни назарга етказди.

Аслини олганда-ку домла синиқ тақдирларни тиклаш, ноҳақдан ёмонлиқ бўлиб, гаддор замоннинг қатағонига ўтараб кетган маданиятимиз даргаларининг номларини поклаш, меросларини халққа етказиш ишига кеча-бугун қўл урган эмас. Бундан ўттиз йил муқаддам ҳассос таржимон ва назарийчи Санжар Сиддиқ мутаржим Чўлпон, таъкидчи Сотти Хусайн ҳақида муфассал маълумот бериб, уларнинг маданиятимиз тарихидан ўринини тайин қилиш, илмий тадқиқотдан ташқари журъат ва фидойиликни ҳам талаб этар эди.

Домла қалб билан дунёни тинглайдиган, замину замон, бани инсон ташвишларини юрагидан ўтказиб яшайдиган зот. Шу боис кечаётган воқеа — ҳодисаларга муносабатини билдирмай туролмайди. Матбуот саҳифаларида чиқаётган у кишининг ҳароратли мақолалари, радио ва телевидение орқали берилаётган ёниг нутқлари ана шу завқи табиийнинг мевасидир.

Маълумо Ғайбулла ас-Салом ана шу афозда олти-милдан охиб, пайғамбар ёшига қадм қўйдилар. Биз устозга ибрат мактаби бўлганликлари учун таъзимда қоламиз...

Низомиддин МАҲМУДОВ, филология фанлари доктори, профессор, Низомиддин ТошДШИ ўзбек ва қозоқ филологияси факультети декани.

Абдусалом УМАРОВ, филология фанлари номзоди, таржима назарияси ва амалиёти кафедрасининг мудири.

Одобрнома ўқувчига НАСИХАТЛАР

(МУАЛЛИМ ЕН ДАФТАРИДАН)

Эй, азия ўқувчим! Баҳо учун талашиб, тортишиб ўтирма, Гап баҳода эмас, билимда эканлигини унутма.

Ота-онанг сени моддий либос билан кийинтирса, ўқитувчинг маънавий либос билан кийинтиради.

Имон — зебу зийнатинг бўлсин.

Уйда ва кўча-қўйда эшитган ёки кўрган яхши-ёмон воқеа-ҳодисаларни дарс пайтида сўзлаб ўтириш одобдан эмас.

Ўқитувчи сенинг ўртоғин ёки сирдошин эмас, балки таълим-тарбия берувчи устоз ва дўстингдир.

Мактабни тугатар экансан, ўзиндан ширин таассурот ва унутилмас хотира қолдириб кетишга ҳаракат қил.

Ҳар қанча кўп билсанг ҳам «мен» деган сўзини ишлатма.

Ўқитувчи синфга ташриф буориши биланоқ ўзингдан туриб «Ассалому алайкум!» деб самимий кутиб олишни қандай қилма.

Жисмоний ва ақлий куч-қувватларингиз бир-бирига қўшиб, улардан бир меъёрга фойдалана олсанг, кўзлагай мақсад манзилга ета олишинг мумкин.

Ўқувчи — муқаддас ном. Уни оёқ-ости қилма, қадрла. Намунали ҳулқинг, ҳамма фанларга қизиқувчанлигинг ва аъло баҳоларинг ила эъвозла.

Ўқиб ва илм олиш — буюк куч-қудратга эга. Уни енга олган киши мурад-мақсадига эришади.

Дарса фикрлашни, мулоҳаза юритишни, таъкидий кўз билан қарашни ва савол-жавоб қилишни ўрган.

Мақол, ҳикматли сўз ва шеърларни кўлаб ёдлаб олишга ва ўз фаолиятингга қўллашга ҳаракат қил.

Ешингга ва синфингга муносиб рўнома ва жаридаларга, адбатга, ёзил ва уларни мунтазам равишда мутолаа этиб бор. Керакли жойларини олиб, сақлаб қўй.

Устозларнинг сени «ўғлим» ёки «қизим» дея қайирса, сен «мен» сизнинг ўғлингиз» ёки «қизингиз эмасман» деб бетга чопарлик қилма.

Ўзинг ёмон ўқиб, яхши ўқитганларга ёни ўзинг яхши ўқиб, ёмон ўқитганларга қудувчи бўлма.

Дангасалик — қора қозов қуяси, эричқолик — ўргумчаннинг уяси эканлигиндан ҳамини воқиф бўл.

Камроқ ўқисанг ҳам, кўпроқ ўқиб, ўрганишга ҳаракат қил.

Илму маърифат тошбақасимон суд-ралиб юрүвчиларни ёқтирмайди.

Тил югурги бошга, қўл югурғини ошга, деганлар. Шунинг учун сев тил билан эмас, балки қўл ва ақл-идрок билан иш тут.

Зехнинг кўзгусини ҳар кун бир марта эмас, соат сайн таълим-тарбиянинг кавсар булоғида ювиб, тараб, артиб ва мойлаб тур.

Илми, маърифатли бўлмасанг, Ватан ва ота-онанг олдидаги бурчингни тўла-тўқис адо эта олмайсан.

Сабр-тоқатли ва чидамли, ваамин ва камсухан бўл.

Ҳар бир ишни қатъий ва аниқ режа ҳамда тартиб-интизомга асосланиб қил.

Аввал ўқувчи эканлигингиз чуқур ҳис қил ва тўла мустақилликка эриш.

Фазлу камол соҳиби бўлайин десанг, дунёвий билимларни, жумладан, фалсафа ва донишмандлик илмларини қунт ва ихлос билан ўрган.

Оламда ва жумҳурият миқёсида содир бўлаётган қундалик ва муҳим воқеа, ҳамда ҳодисаларни билиб, ёдингга тугиб ол.

Дарслик ва қўлланмалар билан муомала қилишни қанчалик яхши билсанг, улардан шунчалик унумли фойдаланиш маҳоратига эга бўласан.

Ишбилармон, тадбиркор ва тиниб-тинчимас ҳамда жамоатчи бўлсанг, ҳеч қачон эл-улус назаридан четда қолмайсан.

Сиртинг оддий ва бежирми, ички қиёфанг эса баҳордай ёқимли ва гўвал, тароватли бўлсин.

Эртага амалга оширадиган ишларингни бугун кечқурун аниқ ва пухта режалаштириб қўй.

ҲАСАН ОТА.

Бош муҳаррир Саъдулла ҲАКИМ

Низомий номли Тошкент давлат педагогика институти маъмурияти, физика факультети жамоаси ва умумий ҳамда экспериментал физика кафедрасининг аъзолари шу кафедра ўқитувчисини Хуршида Маҳмудовага оғаси Хосеят ТОШХОНОВА вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Дўппи кийган билан...

Миллий мактаб ҳақида гап кетганда, ўқувчиларга миллий либос кийдириш, ўғил ва қизларни ақратиб ўқитиш каби жўн мулоҳазалар айтилади. Бу муаммони ҳасулшашдан бўлак нарса эмас. Негаки, ташқи кўринишни миллийлаштириш эмас, балки маънавиятимизда ўзгариш бўлиши, миллий урф-одат, анъана, маросимлар, қадриятлар, миллий тарих, адабиёт, маданият, санъатга ҳурмат билан қараш, уни чуқур ўрганиш, фахрланиш ҳиссини тўйиш энг муҳимдир.

Ўқувчиларни миллий ва шарқ маданияти, урф-одати, одоб-ахлоқи руҳида тарбиялаш ва ўқитиш муаммонинг бош ечими деб биламан. Буни амалга оширишда бизга «Куръон» оитлари, ҳадислар, Исмоил ал-Бухорий, ат-Термизий, Юсуф хос Ҳожиб, Маҳмуд Қошғарий, Аҳмад Яссавий, Алишер Навоий, Абдурахмон Ҳоҷий каби буюк алломаларнинг асарлари, таълимий йўлчи юлдуз бўлади. Афсуски, бой маданий ва маънавий меросимиздан ақрилай қолганлигимиз тўғрйли ёшлар лоқайд, ҳурматсиз, меҳр-оқибатсиз, шафқатсиз бўлиб боришапти. Ўқувчи қўли билан қилинаётган жиноятлар жамиятни ташвишга соляпти.

Мустақил давлат миллий тарихини, маданий ёдгорликларини, бой адабий меросини ўрганишнинг аҳволи жуда чатоқ. Чунки 5, 8, 9, 10, 11-синфлардаги ҳафтада ажратилган 1 соат билан халқимиз тарихини ўргатиб ҳам, ўрганиб ҳам бўлмайди. Энди замона зайли билан ёзилган «юпқа»гина амалдаги «Ўзбекистон тарихи» дарслигининг кун битди. Ҳа, миллий тарихимиз, маданий ёдгорликларимиз, халқимизнинг асрлар давомида мустақиллик учун кураш ўз ифодасини топган янги, мукамал дарслик сув ва ҳаводек зарур. Бу хайри ишни ортага суриб бўлмайди. Ҳали ҳам ўз тарихидан беҳабарларга ўрусия тарихи кенг ўргатилаётгани афсусланири ҳолдир. Бу жоҳиллик бошланғич синфлардан оқ болакайлар онига чангал соляпти. Масалан, ҳозирги «Ўқиб китоби» ўрис мактаблари учун янширилган дарсликларнинг «Ўзбекистон тарихи» тарихини ўз ичига киритилган. Уларга В. И. Ленин ҳаёти ва фаолиятига доир 34 та мавзу киритилган. Худди шундай ўрис ижодкорлари асарлари ва улардан парчалар ҳам беҳисоб. Бошланғич синфларда ана шундай асарлар 107 тани ташкил қилади. Ғўб миллий ва Шарқ халқлари ижодкорлари йўқдай. Фақатгина 3-синф

да ҳазрат А. Навоийнинг бир неча ҳикматлари берилган. Болаларимиз Александр Невский, Дмитрий Донской, Кузьма Минин, Дмитрий Пожарский, Александр Суворов, Михаил Кутузов, Степан Разин, Емельян Пугачевлар, 1812 йилги Ватан уруши ҳақида сабоқ олишади-ю, Широқ ҳақидаги ҳикояни ҳи соба олмагаанда, ўз миллий тарихини, мустақиллик ва озодлик учун курашган аجدодларини, ота-боболарини билишмайди.

Дарҳақиқат, биз болаларга Ватан деганда ўрусияни, миллий қаҳрамонлар деганда ўзгаларни тушутириб келдик. Бундай нохуш ҳолия бошқа фанларни ўқитиш мисолида ҳам кўриш мумкин. Дарсликлар нооблиғидан саводсанлар сони камаймапти. Адабиёт фанини ўқитиш дастури 1987 йилдан бери бир неча бор ўзгарди. Дарсликдан эса дарав йўқ. Ёскини қайта нашр қилинмай қўйди. Дарсликларнинг қамлиги ўқувчилар билимига салбий таъсир кўрсатмоқда. Шу ўқув йилида 5-6-7-синфлар учун чоп этилган дарсликлар ҳам шу кун талабига тўлиқ жавоб беради, деб бўлмайди.

Қадимда муаллимнинг обрўси, қадриятимати баланд бўлган. Қишлоқ аҳолиси унинг қолдан қабар олиб турган, ҳеч нарсадан зориктирмаган. Ёнг муҳимлик, бола тарбиясида оила, жамоатчилик ва муаллимнинг фикри бир бўлган. Ҳозирда бу халқа узылган. Ота-она фарзандини тартибга нақирган ўқитувчисини сўниб, ҳақоратлаб, ҳатто уриб ҳам кетади.

Миллий мактаб муқаддас даргоҳга айланиши лозим. Афсуски, томидан чанки ўтаётган, қишда музхонага айланган, туғдай тўқилай деб турган мактаб бинолари жумҳуриятимизда қанчадан қанча. Йилдан-йилга икки сменада машғул олиб борилаётган мактаблар сони охиб бормоқда.

Ҳа, миллий мактаб муаммолари қалашиб ётибди. Унинг ҳал бўлиши бозор иқтисодиёти даврида оғир кечмоқда. Нима бўлганда ҳам бизга миллий мактаб сув ва ҳаводек зарур. Бусиз таълим-тарбияда жиддий ўзгариш қилиб бўлмайди.

Ш. ОТАҚУЛОВ, Самарқанд вилояти Пайариқ туманидаги 69-ўрта мактабининг тарбиявий ишлар бўйича директор ўринбосари.



Пойтахтимиздаги 131-мактаб спорт майдони ва спорт зали ҳамини болалар гажжум. Бу ерда ўз касбининг фидойиси Надежда Алексеевна Донченко ўқувчилар билан гоҳ қизини спорт мусобақаларини, гоҳ жисмоний тарбия дарсларини утказаетганининг гувоҳи бўлиш мумкин.

Дарса ҳам, машғулотлардан ташқари пайтларда ҳам болаларда спортга иштиёқи зўр эканлигини кўриш мумкин.

Н. А. Донченко бошланғич синф ўқувчилари билан машғул олб боришда уларда наққонлик, тоқирлик хусусиятларини тарбиялашда алоҳида эътибор беради. У жисмоний тарбия машғулотларидан озод қилинган болалар учун даволаш, жисмоний тарбия машғулотларини ўстиради.

Сиз кўриб турган суратда 2-«А» синфида жисмоний тарбия машғулоти акс эттирилган. Сураткаш А. ЧАПЛИГИНА.

Таъсис этувчилар: Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Педагогика жамияти. МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32. ТЕЛЕФОНЛАР: масъул секретарь — 32-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 33-04-21, 52-35, нашриёт диспетчер — 32-78-94, нашриёт телефон станцияси навбатчиси — 33-90-50.